

## ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*СамИСИ катта ўқитувчи. Х.У. Пулатов  
СамИСИ магистранти Б.Б. Азимов*

**Аннотация:** Ушбу мақолада почта хизматларининг бугунги аҳоли ҳаёт даражасида муҳим бир омил сифатида қаралиши ва савдо хизматларининг ривожлантиришда почта хизматларни ўрни ва ундаги муоммолар мавжудлиги баён қилинган.

**Калитли сўзлар:** рақамли савдо, чакана савдо, почта алоқаси, почта хизматлари, курьерлик хизматлари, универсалхизматлар, почта жўнатмалари, ёзма хат-хабарлар.

**Аннотация:** В данной статье почтовые услуги рассматриваются как важный фактор уровня жизни современного населения, описывается роль почтовых услуг в развитии торговых услуг и наличие проблем в нем.

**Ключевые слова:** цифровая торговля, розничная торговля, почтовая связь, почтовые услуги, курьерские услуги, универсальные услуги, почтовые отправления, письменные письма.

**Abstract:** In this article, postal services are considered as an important factor in the standard of living of today's population, and the role of postal services in the development of trade services and the existence of problems in it are described.

**Keywords:** digital trade, retail trade, postal communication, postal services, courier services, universal services, postal shipments, written letters.

Республикамиз иқтисодиётини жадал ва мутаносиб ривожлантиришда, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширишда барча тармоқ ва соҳаларнинг ўрни бекиёсдир. Бу бевосита савдога ҳам дахлдордир.

Савдо талаб ва таклиф асосида ишлаб чиқариш ва истеъмол мувозанатини белгиловчи, уларни ўзаро боғлиқ ҳолда ривожини таъминловчи воситадир. Савдосиз ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришни, уни доимий ўсишини таъминлаб бўлмайди. Савдо одамлар ва корхоналарнинг истеъмол товарларига, шунингдек меҳнат предметлари ва воситаларига ҳамда уларни етказиб беришга доир хизматларга бўлган талабларини қондиради. Демак, савдо, бир томондан, истеъмолчилар ҳисобланган жисмоний ва юридик шахсларнинг товар-моддий бойликларга, иккинчи томондан эса, хизматларга бўлган талабларини қондиради.

Савдо фаолияти ва турларини олиб боришда хизмат кўрсатишнинг турли бошқа тармоқ ва соҳалари ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу, чунончи, почта алоқаси хизматларига ҳам тегишлидир.

Почта алоқаси хизматларининг савдони равнақ топтиришдаги ўрни бевосита уларнинг мазмун ва моҳиятида, ушбу хизматларни кўрсатувчи субъектлар бажараётган функция ва вазифаларда ёрқин намоён бўлади.

Республикамизнинг «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонунига (31.08.2000 йил, № 118-П) мувофиқ **почта алоқаси хизматлари** деганда почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта ва курьерлик хизматлари кўрсатиш бўйича фаолияти тушунилади.

**Почта алоқаси оператори** – бу мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва фаолиятнинг асосий тури сифатида почта алоқаси хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс. Бизнинг республикамизда почта алоқаси бош оператори бўлиб «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти ҳисобланади.

**Почта алоқаси провайдери** – бу фойдаланувчиларга почта алоқаси операторларининг тармоғи орқали почта, курьерлик хизматлари кўрсатувчи юридик шахс.

Почта алоқаси хизматларининг моҳияти “Почта алоқаси тўғрисида қонун”да келтирилган қуйидагича таърифларда янада ҳам ёрқинроқ намоён бўлади:

**почта алоқаси** - почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб беришни (топширишни) таъминловчи техника ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат алоқа тури;

**курьерлик хизматлари** - почта алоқаси оператори ёки провайдерининг курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича фаолияти;

**қиймати эълон қилинган жўнатмалар** - жўнатилаётганда жойланма қиймати фойдаланувчи томонидан эълон қилинган почта ва курьерлик жўнатмалари.

**почта жўнатмалари** - манзили кўрсатилган ёзма хат-хабарлар, посылкалар ва тегишли ўровдаги босма нашрлар;

**курьерлик жўнатмалари** - жўнатилиши қисқа муддатларда қўлдан-қўлга етказиб берилган (топширилган) ҳолда амалга ошириладиган почта varaқчалари, хатлар, бандероллар, посылкалар, босма нашрлар;

**ёзма хат-хабарлар** - оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган хатлар ва бандероллар, оддий, буюртма почта varaқчалари ҳамда оддий, буюртма секограммалар, шунингдек майда пакетлар;

**пул маблағларининг почта ўтказмаси** - почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта алоқаси ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича хизмати;

**секограмма** - кўзи ожизлар учун муассасалар томонидан почта алоқаси тармоғи орқали жўнатиладиган, кўзи ожизлар учун мўлжалланган очик тарзда топшириладиган ёзма хат-хабарлар, босма нашрлар, кўзи ожизлар учун ёзув тизимининг белгиларига эга тамға, шунингдек кўзи ожизлар учун мўлжалланган овозли ёзувлар ва махсус қоғоз;

**универсал хизматлар** - фойдаланувчиларга Ўзбекистон Республикаси доирасида мақбул нархларда кўрсатиладиган ва белгиланган талабларга мос келадиган сифатдаги почта хизматлари.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, почта алоқаси хизматлари предметини ташкил қилувчи почта жўнатмалари ва ўтказмалари уларнинг жисмоний шаклларига кўра қуйидагилардан иборатдир:

\***корреспонденциялар** – хатлар, счётлар ва хужжатлар;

\***рақамли ахборот ташувчилар** – флеш-карталар, компакт дисклар;

\***совғалар** – гуллар, сувенирлар ва бошқалар.

\***пул маблағлари, пулли эквивалентлар ва қимматли қоғозлар** – миллий ва хорижий валюталар, почта маркалари, филателия маҳсулотлари.

\***бошқа моддий активлар** – посилкалар, каробкалар, пакетлар, халталар, журналлар, газеталар, китоблар ва бошқа истеъмол товарлари.

Етказиб бериш усулларига кўра почта алоқаси хизматлари курьер ва курьерсиз тарзда амалга ошириладиган хизматларга бўлинади. Ўз навбатида, курьер орқали амалга ошириладиган хизматлар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

"**Қўлдан-қўлга шахсан етказиш**" - бу усулда курьер почта жўнатмасини белгиланган манзилга етказиши ва уни олувчига шахсан топширади.

"**Сизнинг курьерингиз**" - бу курьер аутсорсинги (ижараси) усулидир, унгамувофиқ белгиланган курьер почта жўнатмасини олувчи шахс ихтиёрида иш куни ёки бир неча кун давомида бўлади ва мос равишда шартномада кўрсатилган почта жўнатмаларини олиш ва топшириш хизматларини кўрсатади.

Курьерлар, одатда, "Кутиш" ва «Белгиланган вақт» режимларида ишлайдилар.

«Кутиш» режимида курьерга, одатда, манзилга келгач, 20 дақиқа муддатида почта жўнатмаси топширилиши лозим, ушбу муддатга амал қилинмаган ҳолда курьер почта жўнатмасисиз манзилдан кетиши мумкин.

«Белгиланган вақт» режимларида курьер мижозга почта жўнатмасини олиш учун айнан белгиланган вақтда ҳозир бўлиши лозим.

Курьерсиз тарзда амалга ошириладиган почта алоқаси хизматларига почта жўнатмаларини турли транспорт воситалари, электрон ўтказмалар орқали кўрсатиладиган хизматлар киради. Ушбу хизмат турлари "оддий", "буюртмали", "тезкор почта", "экспресс-почта" каби режимларда амалга оширилади.

Бажариш муддатларига кўра почта алоқаси хизматлари қуйидаги турларга бўлинади:

"**Люкс**" – бу почта жўнатмасини мижоз қўлидан олгандан сўнг 2-3 соат мабойнида етказиш.

"**Экспресс**" – бу почта жўнатмасини мижоз қўлидан олгандан сўнг 24 соат мабойнида етказиш.

"**Стандарт**" - бу почта жўнатмасини мижоз қўлидан олгандан сўнг 72 соат мабойнида етказиш.

Почта алоқаси хизматларини бажаришнинг юқорида келтирилган усуллари бир-биридан улар учун ундириладиган ҳақ (тариф) миқдори бўйича ҳам фарқланади.

Почта алоқаси хизматларини кўрсатишда улар учун тариф ва расценкаларни белгилашга асос қилиб олинadиган мезонлар ўта муҳимдир. Бундай мезонлар сифатида турли ўлчов birlikларидаги натурал ва пул birlikидаги кўрсаткичлар олинади. Чунonчи, бундай кўрсаткичлар тизими ҳамда уларнинг миқдори барча почта операторлари ва провайдерлари учун алоҳида жўнатмалар, ўтказмалар ва хизматлар бўйича бир хилдир. Буни “Ўзбекистон почтаси” АЖ тизимида айрим почта жўнатмалари, ўтказмалари ва хизмат турлари бўйича қўлланилаётган қуйидаги тарифлардан ҳам кўриш мумкин:

### Ўзма корреспонденциялар бўйича

(конвертлар, счетлар, хужжатлар, флэш-карталар, компакт-дисклар)

Оғирлиги (кг.)	Ўтказиб бериш муддати		
	3 соат	24 соат	72 соат
0,25	30 900.00 сум.	8 900.00 сум.	4 550 .00 сум.
0,5	39 100.00 сум.	11 275.00 сум.	5 775 .00 сум.
1	49 500.00 сум.	14 250.00 сум.	7 300.00 сум.
2	79 650.00 сум.	22 950.00 сум.	11 775.00 сум.

### Юклар бўйича

(посилкалар, бандероллар, буклетлар, совгалар)

Оғирлиги (кг.)	Ўтказиб бериш муддатлари		
	3 соат	24 соат	72 соат
1	112 900.00 сум.	65 450.00 сум.	37 950.00 сум.
Кейинги ҳар 1 кг учун	26 000.00 сум.	15 100.00 сум.	8 750.00 сум.

### Қўшимча хизматлар бўйича

Хизмат турининг номи	Тариф		
Ўтказиб берилганлиги Ўзма хабар бериш	3 соат ичида Ўтказишга - 30 900.00 сум.	24 соат ичида Ўтказишга- 8 900.00 сум.	72 соат ичида Ўтказишга - 4 550.00 сум.
Курьернинг почта жўнатмасисиз қайтиши	17 800.00 сум.		
Манзилида кутиш	1 750.00 сум. (1 дақиқа учун, даситлабки 20 дақиқадан ташқари)		
Белгиланган вақтда озир бўлиш	30 900.00 сум.		
Тарқатиш	700.00 сум. (бир birlik учун)		
Сизнинг курьерингиз	Шартномавий қиймат		

Почта алоқаси хизматларини улар учун тўловларни амалга ошириш турлари бўйича таснифлаш ўта муҳим. Ушбу белгисига кўра барча почта алоқаси хизматлари қуйидаги турларга бўлинади:

- \*нақд пулга кўрсатилган хизматлар;
- \*пластик карта орқали тўлови амалга оширилган хизматлар;
- \*нақдсиз пул кўчириш орқали кўрсатилган хизматлар;
- \*корпоратив пластик орқали тўлови амалга оширилган хизматлар.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар посылка савдоси, даврий нашрлар савдоси, филателия маҳсулотлари савдосини олиб бориш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Чунончи, собиқ совет даврида посылка савдоси аҳолини, айниқса қишлоқларда яшовчи одамларни автотехника эҳтиёт қисмлари, маданий-маиший мақсадлардаги товарлар, ип ва газломалар, бош ва устки кийимлар билан таъминлашнинг, бунда улар вақтини тежашнинг энг прогрессив усули ва воситаси ҳисобланган. Посылка савдоси орқали истемолчиларга энг танқис бадий, техник ва бошқа махсус китоблар етказилган. Ҳозирги пайтда почта маркалари, ящиклар, конвертлар, бандероллар, пакетлар, китоблар, газета ва журналлар билан савдо-сотик қилиш почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан кўрсатилаётган универсал хизматларнинг муҳим турлари бўлиб ҳисобланади. Буларнинг барчаси почта алоқа хизматларининг республикамизда савдони ривожлантиришдаги имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.Ширинов, У. Почта хизматларининг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги таснифий асослари. Экономика. ЭКОНОМИКА, 804-809.
- 2.ШИРИНОВ, У., & НАРЗУЛЛАЕВ, Н. МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. ЭКОНОМИКА, 810-813..
- 3.ШИРИНОВ, У. МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. ЭКОНОМИКА, 800-803.
- 4.Ширинов, У. А. (2022). АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА АУДИТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Архив научных исследований, 2(1).
5. ШИРИНОВ, У., & АБДУСАИДОВ, С. СУҒУРТА КОРХОНАЛАРИДА АУДИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ЭКОНОМИКА, 745-749.
- 6.ШИРИНОВ, У., & НАРЗУЛЛАЕВ, Н. МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИНИ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. ЭКОНОМИКА, 814-817.
- 7.Ширинов, У. А. (2021). AUDITORY ANALYSIS OF COMMUNICATION ENTERPRISES SEGMENTS. Экономика и социум, (7), 550-553.
- 8.Ширинов, У. А. (2021). CONCEPTUAL ISSUES OF SEGMENTARY AUDIT IN COMMUNICATION ENTERPRISES. Экономика и социум, (7), 554-558.
- 9.Ширинов, У. А. (2021). IMPROVEMENT OF METHODOLOGY OF AUDITORAL ASSESSMENT OF SEGMENTARY ACCOUNTING AND REPORTING REALITY IN COMMITTEES PROVIDING COMMUNICATION SERVICES. Экономика и социум, (5-2), 642-647.